



Барқарорлик белгиси!

**“Туронбанк” Акциядорлик тижорат банкининг
2020 йилга мўлжалланган
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



Хизматда фойдаланиш учун

ТАСДИҚЛАНГАН
«Туронбанк» акциядорлик
тижорат банки Кенгашининг
2019 йил «30» ноябрь

К-100/1 - сонли қарори билан


_____ Ё.Э. Турсунов

Тошкент – 2019

Бизнес-режа мундарижаси

- I. Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили
- II. Ўзбекистон Республикаси банк тизими
- III. “Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичлари
- IV. Банк инвестицион фаолиятини ва лойихаларнинг молиялаштириш самарадорлигини ошириш
- V. Молиявий ресурслар таркиби
 - a. Хорижий кредит линиялари
 - b. Юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари
 - c. Тўғридан-тўғри хорижий кредит линиялари
- VI. Чакана бизнесни ривожлантириш
- VII. Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш
- VIII. 2020 йил учун молиявий кўрсаткичлар таҳлили
- IX. Банк фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича банкнинг стратегик режаси

Иловалар

1-илова 2020 йилга мўлжалланган соф фойда Режаси

2-илова 2020 йилга мўлжалланган молиявий Режа

3-илова 2020 йил учун асосий воситалар сотиб олиш Режаси

I. Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

2019 йил якунлари бўйича дастлабки баҳоларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти 5,5 фоизга ўсиб (2018 йилда 5,1 фоиз), 524,0 трлн. сўмни (58,3 млрд. долларни) ташкил этиши кутилмоқда.

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---|---------|---------|---------|
| Ялпи Ички Маҳсулот (трлн.сўм) | 302,5 | 407,5 | 524,0 |
| Олтин валюта заҳиралари (млрд.АҚШ долл.) | 28,1 | 27,1 | 27,7 |
| Инфляция даражаси (%) | 14,4 | 14,3 | 15,5 |
| Ташқи савдо айланма (млрд.АҚШ долл.) | 26,6 | 33,4 | 41,5 |
| Экспорт (млрд.АҚШ долл.) | 12,6 | 14,0 | 18,0 |
| Импорт (млрд.АҚШ долл.) | 14,0 | 19,0 | 23,5 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий маълумотларига асосан

Ушбу асосий макроиқтисодий индикаторнинг ортишини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

а) Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 28,6 фоизга ўсиши кутилмоқда, жумладан:

- марказлашган давлат инвестициялари 52,3 трлн. сўмни ташкил этиб (Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ҳукумат ва унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлар) 2018 йилга нисбатан 23 фоизга ўсиши кутилмоқда;

б) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими сезиларли ўсиб, 2,0-2,5 млрд. АҚШ доллариغا етиши кутилмоқда.

Иқтисодий ўсиш омиллари қурилиш (йиллик ўсиш суръати 11,8 фоиз), саноат ишлаб чиқариши (6,4 фоиз), хизматлар (6,1 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳалари (3,0 фоиз) бўлиши, шунингдек, 2019 йилда инфляция даражаси 15,5 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда (2018 йилда 14,3 фоиз).

Инфляцияни жиловлаш мақсадида, 2020 йилдан бошлаб кредитлар ҳажмининг ЯИМнинг номинал ўсишидан кўп бўлмаган миқдорда ўсишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси ҳажми 41,5 млрд. доллар (ўсиш суръати 24,1 фоиз – 2018 йилда 33,4 млрд. долл.), жумладан экспорт ҳажми 18,0 млрд. доллар (28,7 фоиз), импорт – 23,5 млрд. долларни (20,9 фоиз) ташкил этади.

Инфляция даражасини пасайтириш бўйича Ҳукумат ва Марказий банкнинг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда инфляцион таргетлашни амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Инфляцион таргетлаш бу – пул-кредит сиёсатини юритишнинг замонавий режими бўлиб, бунда нафақат пул-кредит сиёсатида балки бутун макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги ҳар бир қадам инфляцияга таъсири ва уни паст даражада ушлаб туриш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Инфляцион таргетлаш режимининг афзалликлари 2007-2009 йиллардаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳамда Европа инқироzi даврида яққол намоён бўлди. Инфляцион таргетлаш йўлини танлаган иқтисодиётлар инқироздан олдинги даврга нисбатан биров пастроқ иқтисодий ўсиш суръатларига эришган бўлишсада, глобал молиявий-иқтисодий инқироздан (2007-2009 йиллар) катта иқтисодий талофатларсиз ўтишга муваффақ бўлдилар.

Мамлакатимизда инфляцион таргетлаш режими самарали жорий этилса, иқтисодиётда нархлар барқарорлигига ва 2023 йилга қадар инфляциянинг узоқ муддатли 5 фоизлик мақсадли кўрсаткич атрофида бўлиш имконини беради. Паст даражадаги инфляция эса аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан биргаликда, иқтисодиётда бизнес ва инвестицион муҳитни яхшилади.

Бунга эришишда қуйидаги макроиқтисодий (мақсадлар) ориентирлар доирасида ишланади:

а) Иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар қолдиғи ЯИМ номинал ўсиш даражасида бўлади (валюта ўзгаришларини ҳисобга олмаганда 2020 йилда 20-25 фоизни ташкил этади). Бу иқтисодиётда пулга бўлган талабни тўлиқ қондиришга етарли бўлади.

б) Умумий фискал баланс тақчиллиги 2022 йилга қадар босқичма-босқич ЯИМга нисбатан 1,5 фоизгача пасайиб бориши мақсад қилинган.

с) Макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил ва прогноз қилиш бўйича замонавий моделларни ишлаб чиқиш жорий этилади.

II. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

“Туронбанк” АТБ II гуруҳ банклари орасида ҳам ўзининг самарали фаолияти билан ажралиб турибди. Жумладан, активлар, кредит портфели кўрсаткичларига кўра 1 ўринда, капитал бўйича 2 ўринда ва бошқа йўналишларда ҳам етакчи ўринларга эгадир.

Бунда эса қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби саноатнинг турли тармоқларидаги фаоллик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

(млрд.сўм)

| № | Банклар номи | Активлар | Капитал | Кредит портфели | Депозитлар | Соф фойда |
|------------------------|---------------------------|------------------|----------------|-----------------|----------------|--------------|
| 1 | "Ипак Йули" АИТБ | 4 579,9 | 688,0 | 3 252,7 | 17 38,1 | 170,3 |
| 2 | "Ориент Финанс" ХАТБ | 4 212,1 | 326,5 | 2 340,6 | 2 617,0 | 181,7 |
| 3 | "Invest Finance Bank" АТБ | 4 194,6 | 490,9 | 2 871,2 | 2 833,0 | 58,6 |
| 4 | "Микрокредитбанк" АТБ | 4 082,1 | 1 089,7 | 3 288,6 | 1 257,6 | 69,0 |
| 5 | "Трастбанк" АТБ | 3 263,8 | 461,3 | 1 516,5 | 2 638,5 | 133,8 |
| 6 | "Asia Alliance bank" АТБ | 2 335,6 | 278,4 | 1 525,8 | 1 754,9 | 33,6 |
| 7 | "Давр-банк" ХАТБ | 1 327,6 | 187,6 | 897,4 | 849,0 | 58,2 |
| 8 | "Туркистон" ХАТБ | 1 017,2 | 139,7 | 737,7 | 717,4 | 17,9 |
| 9 | "ҚДБ Банк Ўзбекистан" АЖ | 4 129,0 | 573,1 | 757,6 | 3 479,7 | 67,5 |
| Жами | | 25 012,90 | 3 145,5 | 2 392,7 | 1 566,4 | 790,6 |
| "Туронбанк" АТБ | | 5 288,5 | 1 086,3 | 4 117,4 | 1 450,8 | 68,1 |


*"Ахбор-рейтинг" Рейтинг агентлигининг 2019 йил 1 октябрдаги маълумотларига асосан

I-гуруҳ банкларига устав капиталида давлат улуши кўп бўлган молия муассасалари киради. Улар асосан давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим тармоқларнинг ривожидида фаол иштирок этишади. Ушбу гуруҳда “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака”, “Ипотека”, “Агробанк”, “Халқ банк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ҳамкорбанк”, “Алоқабанк”, “Капиталбанк” мавжуд.

III-гуруҳ банклари таркибига эса 10 та тижорат молия муассасасини киритиш мумкин. Булар, “Савдогар банк”, “Универсал банк”, “Ziraat bank Uzbekistan”, “Равнақ - банк”, “Садерат банк”, “Hi-tech bank”, “Пойтахт банк”, “Мадад инвест банк”, “Ўзагроэкспортбанк”, “Tenge bank”. Ушбу гуруҳнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда тижорат банкларининг сони бир мунча озроқ ва молиявий кўрсаткичлари ҳам ўртача.


III. “Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичлари

АКТИВЛАР




Агарда “Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичларини 2017–2019 йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак сезиларли ўсишини кузатишимиз мумкин. Мисол учун, 2017 йилда умумий активлар 1,5 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунлари бўйича 5,5 трлн. сўмга етиши ва 2020 йилга келиб 8,3 трлн. сўмни қайд этиши кутилмоқда. Ушбу ўсишнинг асосий сабаби кредит портфели ошиши ҳисобига тўғри келади.

БАНК КАПИТАЛИ




Бу муддат оралиғида банк капитали ҳам сезиларли ўсганлиги Туронбанк барқарорлигининг бир белгисидир. 2017 йилда 369 млрд. сўм бўлган ушбу кўрсаткич, 2019 йилга келиб 1,1 трлн. сўмни қайд этмоқда. 2020 йилга мўлжалланган тахминлар эса бу рақам 1,2 трлн. сўмга етиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ




Ўтган 3 йилда асосан хорижий кредитлар миқдорининг ҳамда капиталнинг ижобий ўсиш кўрсаткичлари натижасида банк кредит портфели 2017 йилдаги 906 млрд. сўмдан 2020 йил якунлари бўйича 6,9 трлн. сўмга етиши кутилмоқда.


ДАРОМАДЛАР



ХАРАЖАТЛАР



СОФ ФОЙДА



Ушбу амалиётлар самараси олинаётган даромад ҳамда соф фойдада ўз аксини топмоқда. 2017 йил 169 млрд. сўм даромад,

153 млрд. сўм харажат қилинган ва 17 млрд. сўм соф фойда олинган. 2019 йилда эса 533 млрд. сўм даромад ҳамда 448 млрд. сўм харажат қилиб, 85 млрд. сўм соф фойда олиш режалаштирилган. Бунда даромадларнинг 80%и кредит ҳисобига ҳамда 20%и фоизсиз даромадларга тўғри келади.

2020 йилда эса банк соф фойдани 135 млрд. сўмга етказишни мақсад қилган.

IV. Банк инвестицион фаолиятини ва лойиҳаларнинг молиялаштириш самарадорлигини ошириш

“Туронбанк” АТБ инвестицион фаолият ва лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш бўйича 2020 йилда 3 500 млрд. сўм миқдоридан кредит ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

БАНКНИНГ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ




Шундан 1 346 млрд. сўм (38%) кичик ва ўрта бизнес вакиллариغا, 723 млрд. сўм (21%) йирик корхоналарга, 600 млрд. сўм (17%) қисқа муддатли айланма маблағлар учун ва 831 млрд. сўм (24%) чакана кредитлар учун ажратилиши кўзда тутилган.

Тармоқлар кесимида кўрадиган бўлсак, саноатда 43 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутиляпти. Бунга гидроэнергетика, қурилиш материаллари, металлургия ҳамда бошқалар кирди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида эса иссиқхона ва боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда сақлаш сингари 200 дан ортиқ лойиҳалар жамланган.

Ушбу рўйхатга шунингдек, хизмат кўрсатиш ва савдо кредитини ҳам киритиш ўринли. Унда 2020 йил 50 га яқин ташаббуслар қўллаб – қувватланиши режа сифатида булгиланган. Савдо ва умумий овқатланиш, қуришиш ва бошқа хизматлар, туризм ва транспорт, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалар шулар жумласидандир.

Гидроэнергетика лойиҳалари (723 млрд.сўм кредитлар ажратилади)



Мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган лойиҳалардан бир гидроэнергетика йўналишида ишларни амалга ошириш ҳам "Туронбанк" АТБга ишониб топширилган.

2019 йилда молия муассасаси 14 та ГЭСни молиялаштирган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 78 тага етиши, мавжуд қувватлар эса 2824 МВт ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ажратиладиган маблағлар эса Ҳукумат кафолати асосида ЭКСИМБАНК (ХИТОЙ) ва ВЭБ РФ (РОССИЯ) сингари хорижий кредит линия хисобига тўғри келяпти. Ушбу ресурслар орқали умумий миқдорда 19 га яқин лойиҳаларга 391,5 млн. доллар миқдорида маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Шундай лойиҳалар қаторига “Сардоба сув омборидаги кичик ГЭС қурилиши”ни келтиришимиз мумкин. Ушбу лойиҳани тўғридан-тўғри музокаралар натижасида жалб этиладиган “Росэксимбанк” АЖ (Россия) кредит линиясининг 25 млн. долларлик сармояси ҳисобига амалга ошириш режалаштирилган.

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА 1346 МЛРД. СЎМ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ
САНОАТ СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР**

(МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИГА 207,1 МЛРД.СЎМ АЖРАТИЛАДИ)

“MODERN METALL” МЧЖ

(Тошкент шаҳрида)
Метални қайта ишлашни ташкил этиш (турли хил арматуралар)

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 17 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 11,8 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 350 000 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 175 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 200 та |
| Бюджетга тушум | 12 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш муддати | 2020 йил 3-чорақ |



“ZARAFSHON GOLDEN GROUP” МЧЖ

(Навоий шаҳрида)
Газобетон ва 50 турдаги темир бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш

| | |
|--------------------------------|--------------------------------------|
| Лойиҳа қиймати | 9,8 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 7,5 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 230 000 м ³ куб. Газоблок |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 12,5 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 150 та |
| Бюджетга тушум | 4 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш муддати | 2020 йил 2-чорақ |



“SIMAKX PARS PLUS” МЧЖ

(Зангиота туманида)
Пенополиуретан ва у асосида турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 1,9 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 1,4 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 16 800 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 36 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 300 та |
| Бюджетга тушум | 14 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш муддати | 2020 йил 1-чорақ |



“BOYSUN LANO” МЧЖ

(Бойсун туманида)
Ланолин субстанцияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 1,5 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 1,1 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 70 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 1,2 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 40 та |
| Бюджетга тушум | 0,1 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш муддати | 2020 йил 2-чорақ |



Саноат ривожини учун талаб этилаётган асосий жиҳат бу албатта маҳаллийлаштиришдир. Бу йўналишда ҳам “Туронбанк” АТБ самарали ишларни олиб бормоқда.

Бунга мисол қилиб ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшиши кутилаётган бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналарини келтиришимиз мумкин.

Хусусан, “Modern Metall” МЧЖ. Ушбу метални қайта ишлаш лойиҳасининг умумий қиймати 17 млн. доллар бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 350 минг тоннадир. Молия муассасасининг кўмагида иш бошлаши режалаштирилаётган заводда 200 та янги иш ўрни яратилади.

“Zarafshon Golden Group” МЧЖ ҳам банкнинг доимий мижозларидан ҳисобланади. Газобетон ва 50 турдаги темир бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мақсад қилган корхона ҳам “Туронбанк” АТБ кредити эвазига ўз ишлаб чиқариш жараёнини

яхшилади. Унинг йиллик қуввати 230 минг куб. газоблок тайёрлашга этади ва 150 нафар ходим меҳнат қилади.

“Simax Pars Plus” МЧЖ ҳам шундай истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади. Пенополиуритан ва у асосда турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона банк кредитлари натижасида йилига 17 мингга яқин маҳсулот ишлаб чиқариш кўзламоқда. Унинг умумий қиймати 1,9 млн. доллар бўлиб, 300 та янги иш ўрни яратилади.

Ланолин субстанцияси ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа ҳам маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги йирик корхоналардан бирidir. “Туронбанк” АТБ молия кўмагида у ерда йилиги 70 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилади ва 50 нафарга яқин аҳоли иш билан таъминланади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР (180,5 МЛРД.СЎМ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ)

“NEW AGRO DREAM” МЧЖ

(Янгийўл шаҳрида)

Мева-сабзавотларни қайта ишлашни ташкил этиш

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 6,8 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 5 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 10 000 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 5,0 млн. долл. |
| Экспорт ҳажми | 5,0 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 70 та |
| Бюджетта тушум | 2 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш мuddати | 2020 йил 3-чорак |



“SHIRIN NIYAT BARAKA” МЧЖ

(Қарши шаҳрида)

Мева сабзавотларни қуритиш ва саклашни ташкил этиш

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 6 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 4,5 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 7 200 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 3,6 млн. долл. |
| Экспорт ҳажми | 1,0 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 50 та |
| Бюджетта тушум | 1,7 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш мuddати | 2020 йил 1-чорак |



“DIYORA FAYZ GULSHANI” МЧЖ

(Зангиота туманида)

Сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш (пишлоқ, брынза ва бошқалар)

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 5,1 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 3,8 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 7 100 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 4,9 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 45 та |
| Бюджетта тушум | 1,1 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш мuddати | 2020 йил 1-чорак |



“SAG AGRO” МЧЖ

(Фаллаорол, Яқобғо ва Пайарик тумаларида)

1 500 га ер майдонда интенсив ёнқоқар ва бодомзорлар ташкил этиш

| | |
|--------------------------------|------------------|
| Лойиҳа қиймати | 8,1 млн. долл. |
| Кредит суммаси | 5,7 млн. долл. |
| Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми | 2 500 тонна |
| Йиллик маҳсулот сотишдан тушум | 4 млн. долл. |
| Экспорт ҳажми | 2,6 млн. долл. |
| Яратиладиган ишчи ўрни | 230 та |
| Бюджетта тушум | 157 млрд. сўм |
| Лойиҳа ишга тушиш мuddати | 2020 йил 1-чорак |



“Туронбанк” АТБ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестицион лойиҳаларни ҳам самарали қўллаб – қувватлаб келмоқда.

Бунга мисол сифатида “New agro dream” МЧЖни келтиришимиз мумкин. Мева – сабзавотларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ушбу корхонанинг умумий қиймати 6,8 млн. доллар бўлиб, банк кўмагида йилига 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Экспорт ҳажми эса 5 млн. долларга тенг. Яратиладиган ишчи ўрни 70 та.

“Shirin niyat baraka” МЧЖ мева – сабзавотларни қуритиш ва сақлаш корхонаси. Лойиҳа қиймати 6 млн. доллар. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 7 минг 200 тонна. Экспорт кўрсаткичи 1,0 млн. доллар. Яратиладиган ишчи ўрни 50 та.

“Diyora fayz gulshani” МЧЖ. Сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Лойиҳа қиймати 5,1 млн. доллар. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 7 минг тонна. Яратиладиган ишчи ўрни 45 та.

“Sag agro” МЧЖ. 1,5 минг гектар майдонда интенсив ёнғоқзор ва бодомзорлар ташкил этиш лойиҳаси. Умумий қиймати 8,1 млн. доллар. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 950 минг тонна. Ташқи бозорларга экспорт 2,6 млн. доллар. Яратиладиган ишчи ўринлари 230 та.

2019-2022 ЙИЛЛАРДА ЛИМОНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ



ЛОЙИҲАЛАР Сони
138 та

| | | | |
|----------------------|----|------------|----|
| Қорақалпоғистон Рес. | 7 | Сурхондарё | 25 |
| Андижон | 7 | Хоразм | 10 |
| Бухоро | 5 | Жиззах | 5 |
| Қашқадарё | 21 | Наманган | 2 |
| Навоий | 3 | Фарғона | 12 |
| Самарқанд | 4 | Тошкент | 13 |
| Сирдарё | 24 | | |



ЯРАТИЛАДИГАН ИШ ЎРНИ
2100 та

| | | | |
|----------------------|-----|------------|-----|
| Қорақалпоғистон Рес. | 84 | Сурхондарё | 333 |
| Андижон | 112 | Хоразм | 84 |
| Бухоро | 37 | Жиззах | 61 |
| Қашқадарё | 185 | Наманган | 51 |
| Навоий | 80 | Фарғона | 160 |
| Самарқанд | 75 | Тошкент | 209 |
| Сирдарё | 629 | | |



2019 ЙИЛДА
30 МИНГ ТОННА
ЛИМОН ЕТИШТИРИЛАДИ



2023 ЙИЛДА қўшимча
ЕТИШТИРИЛАДИГАН ЛИМОН
36 минг тонна



БЮДЖЕТГА ТУШУМИ
23 млрд. сўм



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ
40 млн. долл



АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ
СУММАСИ 900 млрд. сўм экв

(2020 йилда 500 млрд. сўм кредитлар ажратилди)

| | | | |
|----------------------|-----|------------|-----|
| Қорақалпоғистон Рес. | 27 | Сурхондарё | 135 |
| Андижон | 72 | Хоразм | 39 |
| Бухоро | 13 | Жиззах | 21 |
| Қашқадарё | 67 | Наманган | 27 |
| Навоий | 35 | Фарғона | 93 |
| Самарқанд | 32 | Тошкент | 124 |
| Сирдарё | 216 | | |



ЯРАТИЛАДИГАН ИССИҲОНАЛАР
МАЙДОНИ 400 га

| | | | |
|----------------------|----|------------|----|
| Қорақалпоғистон Рес. | 11 | Сурхондарё | 78 |
| Андижон | 20 | Хоразм | 15 |
| Бухоро | 8 | Жиззах | 11 |
| Қашқадарё | 31 | Наманган | 10 |
| Навоий | 13 | Фарғона | 34 |
| Самарқанд | 16 | Тошкент | 63 |
| Сирдарё | 90 | | |

“Туронбанк” АТБ 2019 – 2020 йилларда лимончиликни ривожлантириш учун Республикамизнинг барча ҳудудларидаги 400 гектарга тенг майдонларда 138 та лойиҳани амалга оширади.

Бунинг натижасида 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши, 2023 йилга бориб 900 млрд. сўмлик кредитлар


ажратилиши, 40 млн. долларлик экспорт амалиётлари бажарилиши ва бюджетга 23 млрд. сўм тушум келиши режалаштирилмоқда. 2023 йилга келиб эса 36 минг тонна лимон етиштирилиши кўзда тутиляпти.

Шу ўринда 2020 йилда ажратиладиган инвестицион кредитлар самараси бўйича маълумотларни келтириш ўринли.

Хусусан, мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида 297 та лойиҳага 2 069,2 млрд. сўм ажратилиши ва 12 минг янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Бунда бюджет тушуми 1 000,3 млрд сўмни ташкил этиб, 400 млрд. сўмлик экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

V. Молиявий ресурслар таркиби.




“Туронбанк” АТБнинг молиявий ресурслар таркиби 2020 йилда 3 826 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Шундан, 1 661 млрд. сўм (43%) хорижий кредит линиялар ҳисобидан, бунда: Жаҳон банкидан 285 млрд. сўм, Осиё тараққиёт банкидан 190 млрд. сўм, МФСРдан 28,5 млрд. сўм, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)дан 475 млрд. сўм, Эксимбанк (Хитой) кредит линиясидан 548,1 млрд. сўм, “ВЭБ.РФ” (Россия) кредит линиясидан 134,9 млрд. сўм жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

705,9 млрд. сўм (19%) юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларидан, хусусан: узоқ муддатли депозитлар 440,4 млрд. сўм, қисқа муддатли депозитлар 265,5 млрд. сўмни ташкил этади.

129,2 млрд. сўм (3%) тўғридан-тўғри хорижий кредит линияларидан, бунда: Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси (ИКРЧС)дан 47,5 млрд. сўм, Росэксимбанк АЖдан (Россия) 34,2 млрд. сўм ҳамда АКА банкдан (Германия) 47,5 млрд. сўм жалб этилади.

Бундан ташқари 2020 йилда молиявий ресурсларнинг 1 025 млрд. сўми (27%) жисмоний ва юридик шахсларнинг сўндириладиган кредитлари ҳисобидан, 210 млрд. сўми (6%) жорий мажбуриятлардан ва 94 млрд. сўми (2%) капиталдан ташкил этилиши кўзда тутилган.



● Юқори ликвидли активлар

● Капитал етарлиги кўрсаткичи

Бунда юқори ликвидли активлар 2020 йил якунига 12%ни ва Капитал етарлиги кўрсаткичи эса 14%ни ташкил этиши мўлжалланган.

VI. Чакана бизнесни ривожлантириш

1. 100 та замонавий ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш



2. Банкнинг мобил иловасини янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилдаги режалар



- Халқаро пул ўтказмалари тизимларини жорий қилиш
- Мобил илова орқали мобил илова орқали NFC тўловларни амалга ошириш
- Халқаро тўлов карталари ўртасида пул ўтказмалари

3. Автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази ва 50 дона депозит машиналарини ўрнатиш.

4. Маҳаллий ва халқаро карталар эмиссия қилиш бўйича банкнинг персоналлаштириш бюросини ташкил этиш.

2020 йилда банкни чакана хизматлар кўрсатиш банкига айлантириш кўзда тутилган бўлиб, бунда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- Республиканинг аҳоли гавжум шаҳар ва туманларида 2020 йилнинг сўнгига қадар 100 га яқин замонавий Банк хизматлари офислари иш бошлаши мўлжалланган;
- Банкнинг мобил иловасини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро пул ўтказмалари тизимларини, NFC (контактсиз) тўловларни ҳамда халқаро тўлов карталари ўртасида пул ўтказмаларини жорий қилиш;
- Автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи марказларга 50 дона депозит машиналарини ўрнатиш орқали юридик ва жисмоний шахсларга бир қатор янги банк хизматлари кўрсатилади. Жумладан, тадбиркорларнинг инкассация маблағларини қабул қилиш, мавжуд кредит қарздорликларини сўндириш ҳамда банк пластик картасини нақд пулда тўлдириш.

VII. Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва валюта амалиётлари ҳажмини ошириш мақсадида, банк томонидан қуйидаги ишлар амалга ошириш режалаштирилган:

- 2020 йилда ташқи савдо амалиётлари ва хорижий валюта олди-сотди амалиётларига доир ҳисоботларни автоматлаштириш;
- SWIFT тизимидан кирувчи ва чиқувчи тўловларни қайта ишлашда инсон омилини йўқотиш мақсадида учинчи дастур иштирокисиз тўғридан-тўғри банкнинг АБТга юклар олиш имконини яратувчи интеграцияни амалга ошириш;
- 2020 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳамда ЎзРВБси орқали мижозларга чет эл валютасини сотиш ҳажмини 223,6 млн. долларга етказиш;
- Мижозлар билан тузиладиган спот шартномалари асосидаги амалиётлар ҳажмини 97,0 млн. долларга етказиш.

VIII. 2020 йил учун банкнинг молиявий кўрсаткичлар таҳлили

(млн.сўм)

| № | Кўрсаткичлар | 2019 йил якунига қадар кутилаётган натижа | 2020 йилга (прогноз) | Ўзгариши |
|----|---|--|--|----------|
| 1 | Жами активлар | 5 604 000 | 8 300 000 | 48,1% |
| 2 | Жами капитал | 965 000 | 1 200 000 | 24,4% |
| 3 | Устав капитал | 884 477 | 884 477 | - |
| 4 | Жами кредитлар | 4 400 000 (шундан юридик шахслар кредитлари 4 004 832 ва чакана кредитлар 395 167) | 6 900 000 (шундан юридик шахслар кредитлари 5 673 832 ва чакана кредитлар 1 226 167) | 56,8% |
| 5 | Жами депозитлар | 1 396 (шундан жисмоний шахслар 460 ва юридик шахслар 936) | 2 221 (шундан жисмоний шахслар 1 005 ва юридик шахслар 1216) | 59,1% |
| 6 | Жами актив мижозлар сони (юридик шахслар ва ЯТТ) (та) | 17 000 | 19 000 | 11,7% |
| 7 | Банк хизматлари марказлари сони (та) | 20 | 80 | 60 тага |
| 8 | Жами даромадлар | 532 845 | 869 960 | 63,3% |
| 9 | Жами харажатлар | 447 645 | 734 960 | 64,9% |
| 10 | Соф фойда | 85 200 | 135 000 | 58,5% |

2019 йил якунига қадар жами активлар 5 604 млрд. сўмга етиши кутилмоқда ва 2020 йилги (прогноз) 8 300 млрд. сўм бўлиши, ўсиш эса 48,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилаяпти. Бу ўсиш эса кредит портфелининг суръати барқарорлиги билан баҳоланмоқда.

Банкнинг жами капитали ҳам ҳудда шу кўринишда 2019 йил якунига қадар 965 млрд. сўмни қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 1 200 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 24,4 фоизга тенг бўлиши тахмин қилиняпти.

Банкнинг кредит қолдиғи эса 2019 йил якунига қадар 4 400 млрд. сўмни қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 6 900 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 56,8 фоизга тенг бўлиши тахмин қилиняпти.

Шунингдек, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича (прогноз) маълумотлар ўрганиб чиқилди жумладан:

Банкнинг жами депозитлари 2019 йил якунига қадар 1 396 млрд. сўмни қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 2 221 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 59,1 фоизга тенг бўлиши тахмин қилиняпти.

Банкнинг актив мижозлари сони 2019 йил якунига қадар 17 000 тани қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 23 000 тага етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 11,7 фоизга тенг бўлиши тахмин қилиняпти.

Банқда банк хизматлари марказлари сони 2019 йил якунига қадар 20 тани қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 100 тага етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 80 тага тенг бўлиши тахмин қилиняпти.


2020 йилда банкнинг жами даромади 869,9 млрд. сўмни қайд этиши ва жами харажати 734,9 млрд. сўмни қайд этиши ҳамда соф фойдаси 2019 йил якунига қадар 85,2 млрд. сўмни қайд этиши ва 2020 йилга келиб (прогноз) 135,0 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Ўзгариш эса 58,5 фоизга тенг бўлиши тахмин қилиняпти.

2020 йилда 126,0 млрд. сўм миқдоридagi асосий воситаларни сотиб олиш режалаштирилган.

IX. 2020 йил учун банк йўналишлари бўйича стратегик режаси

Банкнинг 2020 йилга стратегик режаси белгиланган бўлиб, бунда банкни келгусида ривожланиши бўйича бир қатор асосий вазифалар кўрсатиб ўтилган.

2020 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР РЕЖАСИ (ҚИСКА МУДДАТЛИ СТРАТЕГИЯ)



Жумладан:

I-чорак

- Жахон банкнинг Халқаро молия корпорацияси билан трансформация жараёни
- Хорижий етакчи банклардан эксперт жалб қилиш
- Банкнинг кузатув кенгаши таркибига 3 та мустақил аъзо ва миноритар акциядорларни сайлаш
- Корпоратив бошқарув кодекси ва қоидаларни қабул қилиш
- Рискларни бошқариш тизимини автоматлаштириш

II-чорак

- Банкни автоматлаштириш тизимини янгилаш
- Сервер қурилмаларини ва телекоммуникация воситаларини янгилаш
- Банкнинг ички корпоратив Интранет тармоғини яратиш
- Мижозлар билан муносабатлар тизимини (CRM) ташкил этиш
- Ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш тизимини (Data Base) яратиш

III-чорак

- Замонавий HR тизимини тадбиқ этиш ва халқаро стандартлар асосида KPI тизимини жорий этиш
- Кредитлашнинг андеррайтер тизимини жорий этиш

➤ Скоринг дастури асосида тезкор (1 кун) онлайн-кредитларни мижозларга жорий қилиш

IV-чорак










➤ Маҳаллий ва халқаро карталар эмиссия қилиш бўйича банкнинг персоналлаштириш бюросини ташкил этиш


➤ Юридик шахслар учун узоқ муддатли депозит сертификатлар чиқариш

➤ Банкни кичик ва ўрта бизнес ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш Банкига айлантиришга эришиш

«Туронбанк» АТБ
Бошқарув Раиси

 **Ч.С.Мирзаев**

| | | |
|---|------------------|---|
| Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари | А.Т.Ташев |  |
| Бошқарув Раисининг ўринбосари | А.Т. Рискулов |  |
| Бошқарув Раисининг ўринбосари | С.Т.Калдибаев |  |
| Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот департаменти директори – Бош бухгалтер | Ш.Э. Бозоров |  |
| Ғазначилик ва қимматли коғозлар департаменти директори | Д.А. Рустамов |  |
| Юридик хизмат департаменти директори | Б.Н. Арипов |  |
| Ходимлар билан ишлаш департаменти директори | И.Т. Саламов |  |
| Кредитлаш департаменти директори в.в.б. | А.А. Мухаммадиев |  |
| Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш Маркази директори | А.А.Абдуразаков |  |

| | | |
|---|------------------|---|
| Банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори в.в.б. | Р.Ш. Файзиев |  |
| Чакана хизматлар кўрсатиш департаменти директори | Б.Б. Васиханов |  |
| Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори | Б.Т. Шамуратов |  |
| Ахборот технологиялари департаменти директори | З.Я. Ибрагимов |  |
| Ички аудит департаменти директори | Б.У.Ахмедов | |
| Ички назорат департаменти директори | Ў.И. Тангиров |  |
| Банк аппарати раҳбари | О.Р. Эргашев |  |
| Банк хавфсизлиги ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи | А.У. Ходжакбаров |  |
| Банк рискларини бошқариш департаменти директори | С.О. Сафаров |  |
| Ишлар бошқармаси бошлиғи | А.А. Шаққулов |  |

"Туронбанк" АТБ
 Бошқаруви
 2019 йил 11.11.2019
 -сонли қарори билан
 "ТАСДИҚЛАНГАН"

2020 йилга мўлжалланган
 СОФ ФОЙДА РЕЖАСИ

(млн. сўмда)

| № | Филиал номи | Йиллик режа | январь | февраль | март | I-чорак | апрель | май | июнь | II-чорак | июль | август | сентябрь | III-чорак | октябрь | ноябрь | декабрь | IV-чорак |
